

БМТ Бош котиби исломофобиянинг кучайиб боришидан огоҳлантирди



18:12 / 10.12.2018 3082

Жорий йилнинг 9 декабрь куни Нью-Йоркдаги БМТ Бош қароргоҳида “Геноцид жиноятининг олдини олиш ва уни жазолаш ҳақида”ги халқаро конвенциянинг 70 йиллигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққан ташкилот Бош котиби Антонио Гутерриш халқаро жамоатчиликни сўнгги вақтларда исломга ва ирқчиликка қарши нафратни оширадиган мунозаралар кучайиб бораётганидан огоҳлантирди, деб хабар беради Agab24 ахборот сайти. Жумладан, Бош котиб Мьянмадаги аракан мусулмонларига нисбатан мунтазам равишда олиб борилаётган азоб-уқубатлардан ташвишда эканини маълум қилган. У Мьянмадаги мусулмонларга нисбатан олиб борилаётган кескинликни ирқчилик деб баҳолар экан, 1948 йил 9 декабрда БМТ томонидан қабул қилинган инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги биринчи келишув, айнан геноцидни тўхтатиш

хақида эканини таъкидлаб ўтди, деб хабар беради IQNA.

Islom.uz портали таҳририяти